

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Комиссия раиси,
Марказ директори

_____ **А. Рахматов**


Юристар малакасини ошириш марказига ишга қабул қилиш
бўйича танловда иштирок этадиган номзодга бериладиган саволлар
рўйхати

1. ТЕСТ САВОЛЛАР.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини кўрсатинг?
2. Бепул таълим олиш ҳуқуқи ким томонидан қафолатланади?
3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиришлар киритиш давлат ҳокимиятининг қайси органи томонидан амалга оширилади?
4. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби ким томонидан белгиланади?
5. Аризани қабул қилиш жараёнида суд унинг судда кўриш учун тегишли эмаслигини аниқласа,...
6. Калькуляторсиз ҳисобланг: $12-6:3+2\cdot4$
7. Бувидан унинг набираси неча ёшда эканлигини сўрашса, у унинг ёши набирасининг ёшининг ойлари сонига тенг деб жавоб берди. Набираси билан бувининг умумий ёши 65 ёш. Набира неча ёшда? Буви неча ёшда?
8. Сайлов принципларини аниқланг
9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси неча депутатдан иборат?
10. Қайси турдаги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмайди?
11. Кадрлар малакасини ошириш мақсади?
12. Ишга қабул қилишда йўл қўйиладиган ёшни аниқланг.
13. Таълим олувчилар қандай ҳуқуқларга эга?
14. Давлат органлари ва мансабдор шахслар кимнинг олдида маъсулдирлар
15. Фуқаро тўлиқ муомала лаёқатига неча ёшдан эга бўлади?
16. Жисмоний шахсларга етказилган маънавий зарарни ундириш қайси кодекс билан тартибга солинади?
17. Қуйидаги қайси давлат органи Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга?
18. Фуқаролик процесси иштирокчиларининг турларини кўрсатинг?
19. Бепул таълим олиш ҳуқуқи ким томонидан қафолатланади?
20. Битимлар тушунчасини айтинг?
21. Жиноят учун қандай жазо тури мавжуд
22. Мурожаатларнинг қандай шакллари мавжуд?
23. Ўзбекистонда ўз-ўзини бошқаришнинг анъанавий шакли қайси?
24. Хўжалик шартномалари субъектлари бўлиб кимлар ҳисобланади?
25. “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қачон қабул қилинган?

26. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайлашда сайлов тизимининг қайси моделидан фойдаланилади?
27. Шартнома бўйича (ихтиёрий) вакил бўла олмайдиган шахсларни аниқланг?
28. Жиноят учун жарима қанча базавий ҳисоблаш миқдорида белгиланади?
29. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ҳужжат келиб тушган кундан бошлаб қанча муддат ичида амалга оширилади?
30. 2019 йил 1 сентябрдан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори:
31. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг сайловдан кейинги биринчи йиғилиши қачон чақирилади?
32. Икки фуқароликка эга бўлган шахслар қандай номланади?
33. Жиноят иши юзасидан адвокат томондан қандай ҳужжат берилмайди?
34. Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни кўрсатинг
35. Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаш таркиби ким томонидан тасдиқланади?
36. Вафот этган жисмоний шахснинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти:
37. Олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли нотўғри кўрсатилган жавобни топинг?
38. Қуйидаги қайси давлат органи Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга?
39. Агар бугун шанба бўлса, 29 кундан кейин ҳафтанинг қайси куни бўлади?
40. Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш муддатлари неча кун?
41. Қайси турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки референдум ўтказиш йўли билан қабул қилинади?
42. Ўзбекистон Республикасида таълим турларни кўрсатинг.
43. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси неча депутатдан иборат?
44. Ҳақиқий эмас деб топилган битим қачондан бошлаб ҳақиқий эмас ҳисобланади?
45. Қайси ҳолатда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида фавқулотда ҳолат эълон қилинади?
46. Жиноят қонунчилиги бўйича узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддатини кўрсатинг.
47. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муҳофизатлари тўғрисида”ги қонунига асосан, ариза тушунчасига берилган таърифни топинг.
48. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунига кўра, мажбурий таълим таълимнинг қайси турларини ўз ичига олади?
50. Прокат шартномаси қанча муддатгача тузилади?
51. Ота-оналар янги туғилган боласини қанча вақтда рўйхатдан ўтказиши зарур?
52. Қуйидагилардан қайси бири интизомий жазо тури ҳисобланмайди?
53. Шартнома бўйича (ихтиёрий) вакил бўла олмайдиган шахсларни аниқланг?
54. Жиноят учун жавобгарликнинг умумий ёшини аниқланг.
55. *Қайси суд ҳал қилув қарорлари дарҳол ижрога қаратилади?*
56. Ўзбекистон Республикасида халқаро шартномалар қайси орган томонидан ратификация қилинади?
57. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенция талабларига кўра ?

58. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг қисми қайси ҳолларда ўзининг амал қилишини тугатади?
59. Жамоа шартномасининг амал қилиш муддати қанча?
60. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қандай ҳокимиятни амалга оширади?
61. Қуйидаги қайси ишлар ёпиқ суд мажлисида қўрилиши лозим?
62. Жиноят қонунчилигига кўра «жуда кўп миқдордаги зарар» деганда қандай зарар тушунилади?
63. Битимларнинг шаклини айтинг?
64. Маъмурий жазо турларига нималар киради?
65. Килобайт неча байтдан иборат?
66. Байт неча битдан иборат?
67. Ахборот қандай сифатларга эга бўлиши керак?
68. Ахборотнинг энг кичик ўлчов бирлиги нима?
69. Микропроцессор нима?
70. Ахборотнинг ўлчов birlikлари тўғри кўрсатилган жавобни топинг?
71. Ортиқча фигурани топинг.



72. Оиланинг 5 нафар аъзосининг ёшлари йиғиндиси 78 га тенг. 4 йил аввал 61 га тенг бўлган оиланинг энг кичик аъзоси неча ёшда?
73. Паспорт тизими қоидаларини бузиш ҳуқуқбузарлиги учун неча ёшдан неча ёшгача бўлган шахс ўз вақтида паспорт олмаганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилмайди?
74. Суднинг ҳал қилув қарорида мавжуд бўлмаган таркибий қисмни аниқланг?
75. Ўзбекистон Республикасида сайлов тизимига нималар киради?
76. *Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйган ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашга ким ёки қайси орган ҳақли?*
77. Айбсизлик презумпцияси нимани англатади?
78. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддасида таълим масалаларига оид норма белгиланган?
79. Қуйидагилардан қайси бири жиноий жазо турига кирмайди?
80. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш тартиби нималарни ўз ичига олади?
81. Ўзбекистонда Президентлик бошқаруви қачон жорий этилган?
82. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришдаги асосий вазифа қайси бандда тўғри кўрсатилган.
83. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида қачон қабул қилинган ?
84. *Агар хотиннинг бир ёшига етмаган фарзанди бўлиб, никоҳдан ажратиш ҳақидаги иш хотиннинг розилигисиз қўзғатилган бўлса, суд...*
85. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг қисми қайси ҳолларда ўзининг амал қилишини тугатади?
86. *Қуйидаги қайси иш бўйича процессуал ҳуқуқий ворисликка йўл қўйилмайди?*

87. Қонунга мувофиқ, ҳуқуқбузарни маъмурий йўл билан ушлаб туриш қанча муддатдан ортиқ давом этмаслиги лозим?
88. “Конституция” сўзининг маъноси нима?
89. Конституцияга кўра, халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларидан бирини кўрсатинг.
90. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси қачон қабул қилинган?
91. Мурожаатларнинг қандай турлари мавжуд?
92. Кундалик дам олиш вақтининг муддати неча соатдан кам бўлиши мумкин эмас?
93. Меҳнат муносабатларининг вужудга келиш асоси?
94. Фақат даъвогар фойдаланиши мумкин бўлган процессуал ҳуқуқни кўрсатинг?
95. Таълим олувчилар қандай ҳуқуқларга эга?
96. Бир марталик ишга ёллаш (мардикор меҳнати) меҳнат ҳуқуқининг предмети саналадими?
97. Меҳнат шартномаси қанча муддатга тузиш мумкин?
98. Фуқаро тўлиқ муомала лаёқатига неча ёшдан эга бўлади?
99. Вояга етмаганлар маъмурий ҳуқуқбузарлиги учун қуйидагилардан қайси маъмурий жазо қўлланилмайди.
100. Қандай ҳолларда шахс фуқароликни йўқотиши мумкин?
101. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати мажлислари бир йилда неча маротаба ўтказилади?
102. Қонунга мувофиқ, ҳимоячининг жиноят процессида иштирок этишга қайси пайтдан бошлаб рухсат этилади?
103. Жиноят қонунчилигига кўра, озодликдан маҳрум қилиш жазосининг минимал муддатини кўрсатинг.
104. Ўзбекистон Республикасининг “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги қонуни қачон қабул қилинган?
105. Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик ҳолатлари бўйича солинган жарима қарор чиқарилган кундан бошлаб неча кун ичида тўланиши лозим?
106. Мурожаатларни кўриб чиқишнинг асосий принциплари
107. *Далиллар тузилиши ва вужудга келишига қараб қандай турларга бўлинади?*
108. Кўпгина компьютер тармоқларидан иборат (ташкилот ичидаги) компьютер тармоғи қандай аталади?
109. Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси “сўм” қачондан муомалага киритилган?
110. Ўзбекистон Республикаси неча давлат билан чегарадош?
111. Ўзбекистон Республикасининг ер майдони қанчани ташкил қилади?
112. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили тўғрисида”ги Қонун қачон қабул қилинган?
113. Ўзбекистонда энг катта сув омбори -
114. Аризани ҳаракатсиз қолдиришга асос бўлмайдиган ҳолатни кўрсатинг.
115. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро Билл қандай ҳужжатларнинг мажмуасига айтилади?
116. Халқаро шартномани олий ҳокимият томонидан тасдиқлаш деганда нима тушунаси?
117. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлислари қандай ҳолларда ўтказилади?
118. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати мажлислари бир йилда неча маротаба ўтказилади?

119. Қуйидагилардан қайси бири ходим мажбуриятларига кирмайди?
120. Меҳнат ҳуқуқи фанининг қайси ҳуқуқ соҳалари билан бевосита яқинлигини аниқланг.
121. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси қандай функцияларни бажаради?
122. Microsoft PowerPoint дастури ёрдамида яратиладиган ҳужжатлар қандай номланади?
123. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди ўз фаолиятини бошлаш ҳуқуқига эга бўлиши учун нечта судья сайланиши керак?
124. Хорижий давлатларнинг суд қарорлари Ўзбекистонда қандай ижро этилади?
125. Microsoft Word дастурида янги ҳужжат яратилганда одатда автоматик равишда дастур томонидан унга қандай ном берилади?
126. Ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин. Бунга тўғри келадиган атамани топинг?
127. Интеллектуал мулк объектлари жумласига нималар киради?
128. Мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаб қўйиш ва тақиқни бекор қилиш ҳуқуқи йўқ субъектни белгиланг.
129. Агар бугун чоршанба бўлса, 19 кундан кейин ҳафтанинг қайси куни бўлади?
130. “Халқ” ва “демократия” сўз жуфтлиги маъноларидан келиб чиқиб, жавоблар орасидан “қирол” сўзининг жуфтини танланг.
131. “Сон” ва “рақам” сўз жуфтлиги маъноларидан келиб чиқиб, жавоблар орасидан “сўз” сўзининг жуфтини танланг.
132. Ишчининг маоши дастлаб 20% га, сўнгра яна 20% га оширилган бўлса, унинг маоши неча фоизга ошган?
133. Вояга етмаган бола тушунчаси неча ёшгача бўлган болалар назарда тутилади?
134. Агар ҳозир вақт 11:38 бўлса, 99 дақиқадан кейин соат неча бўлади?
135. Буваси набирасининг биринчи туғилган кунига битта китоб совға қилди. Иккинчи туғилган кунига – 3 та, учинчисига – 9 та, тўртинчисига – 27 та ва ҳоказо. Набираси 5 ёшга тўлди. Унда қанча китоб бўлди?
136. Англияга практикага келган 22 талабанинг 12 таси инглиз тилида, 14 таси немис тилида гаплашади. Қанча талаба шу икки тилда сўзлашади?
137. Отаси ўғли билан бирга 42 ёшга тенг, ўғли ва бувасининг ёши 67 га тенг, отаси ва буваси бирга 87 ёшда. Ўғли, отаси ва буваси алоҳида неча ёшга тенг.
138. *Агар хотиннинг бир ёшга етмаган фарзанди бўлиб, никоҳдан ажратиш ҳақидаги иш хотиннинг розилигисиз қўзғатилган бўлса, суд...*
139. Арифметик прогрессиянинг кейинги ҳадини топинг.
8, 13, 18, 23,.....
140. Арифметик прогрессиянинг кейинги ҳадини топинг.
17, 19, 21, 23,.....
141. Қонуниятни топинг. 4, 5, 8, 9, 12, 13, 16, ..., ...
142. Агар бунунги кун душанбадан кейин келмаса ва пайшанбадан олдин бўлмаса, кеча ва эртага якшанба эмас, эртадан кейин эса шанба бўлмайди ва кечадан олдин чоршанба эмас эди. Бугун ҳафтанинг қайси куни эканлигини аниқланг?
143. Қўлларда 10 та бармоқлар бор, 10 та қўлда нечта бармоқ бор?
144. *Бошқа шерик жавобгар ишда иштирок этиш учун жалб қилинганда ...*

145. Инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, рухиятга кучли таъсир кўрсатиб, жамият ва одамларни ҳаракатга келтирадиган, уларни мақсад-муддао сари етаклайдиган тушунча бу -

146. “Эмоция” сўзини ўзбек тилига таржима қилинганда у қандай маънони кўпроқ англатиши мумкин?

147. Одамнинг ўз хатти-ҳаракатлари, хис-туйғулари, хулқ-атвори кабиларни бошқара билишда акс этувчи сифат қандай номланади?

148. Одатда аффект тарзида кечадиган ва субъект учун ғоят муҳим эҳтиёжни қондириш борасида жиддий тўсиқ пайдо бўлгани оқибатида келиб чиқадиган, куч ғайратни ошириб юборадиган, ифодаланишига кўра салбий ҳиссий ҳолатга нима дейилади?

149. Инсоният тараққиёти учун хизмат қилувчи ғоя қайси қаторда тўғри кўрсатилган?


150. Шахс ривожланиши ва таркиб топишининг асосий омиллари қайсилар?

151. Зарар деганда нимани тушунасиш?

152. Агар бугунги кун якшанбадан кейин келса ва пайшанбадан олдин бўлса, кеча душанба эмас, эртага сешанба эмас. Бугун ҳафтанинг қайси куни эканлигини аниқланг?

153. Мамеднинг 10 та қўйи бор эди. 9-дан бошқа кейинги ҳаммаси ўлиб қолди. Нечта қўй қолди?


154. Бўш жойга керакли рақамни қўйинг.




155. Гугурт чўплари $G_1, G_2, G_3, G_4, \dots$ ва бошқа тўрларни ясашда ишлатилади. Биринчи учта тўрлар кўрсатилган.



G_1




G_2



G_3

G_5 тўрини ясаш учун нечта гугурт чўпи керак?

156. Ушбу расмда нечта тўртбурчак бор?



2. ЛАВОЗИМ КАСБ ФАОЛИЯТИГА БОҒЛИҚ ҚОНУНЧИЛИК СОҲАСИ.

1.1. Жиноий, маъмурий ва ижтимоий қонунчилик соҳасига оид саволлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сонли “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, жиноят қонунчилигини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ва вазифаларига нималар киради?

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сонли “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида таъкидланганидек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳар бир ходимдан ўз фаолиятида қандай эзгу ғояга асосланиш лозимлиги белгиланди?

3. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 1 апрелдан кучга кирган Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг вазифалари ва амал қилиш соҳасини аниқланг.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январдаги ЎРҚ-457-сонли “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунининг мақсади ва вазифалари қандай?

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сонли «Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2020 йил 1 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсияни ҳисоблаш, бошқа нафақалар, шунингдек, солиқлар, йиғимлар, жарималар, давлат божлари ва кўрсатилаётган давлат хизматлари, тадбиркорлик фаолиятининг муайян тури билан шуғулланиш учун патент (лицензия) тўловлари ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа тўловлар бўйича қандай муҳим янгиликлар киритилди.

6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг вазифалари ва принципларини ёритинг.

7. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари?

8. Вазирлар Маҳкамасининг таркиби?

9. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари нималардан иборат?

10. Фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати деб нимага айтилади?

11. Фуқаронинг муомала лаёқати деганда нимани тушунаси?

12. Эмансипация нима?

13. Фуқаро қандай ҳолатда муомалага лаёқатсиз деб топилади?

14. Фуқаронинг муомала лаёқати қандай ҳолатда чекланади?

15. Суд қачон фуқарони бедарак йўқолган деб топади?

16. Фуқарони вафот этган деб эълон қилишни тушунтириб беринг?

17. Қандай фуқаролик ҳолати ҳужжатлари давлат томонидан қайд этилиши керак?

18. Масъулияти чекланган жамият тушунчаси?

19. Шўъба хўжалик жамияти тушунчаси?

20. Қарам хўжалик жамияти тушунчаси?

21. Юридик шахсни тугатиш асослари билан боғлиқ фуқаролик қонунчилигига киритилган охириги ўзгартириш?

22. Юридик шахсни тугатиш тартиби билан боғлиқ фуқаролик қонунчилигига киритилган охириги ўзгартириш?

23. Битим тушунчаси ва унинг турлари?

24. Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари?

25. Мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш усуллари?

26. Неустойканинг пенядан фарқли жиҳатларини тушунтириб беринг?

27. Қайси ҳолатларда шахс 72 соатгача ушлаб турилиши мумкин?

28. Жазо тизимига (жазо турлари) нималар киради?
29. Ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолатлар?
30. ЖПК қоидалари бўйича шахсни ушлаб туриш асослари?
31. Давлат-хусусий шериклик тушунчаси?
32. Жиноят тушунчаси?
33. Апатрид тушунчаси?
34. Яқин қариндошларга кимлар киради?
35. Қайси ҳолларда жазо ва алимент мажбуриятлари бўйича қарздорлик учун ушлаб қолинадиган ҳақнинг миқдори етмиш фоиздан ортиб кетмаслиги лозим?
36. Ижтимоий шериклик деганда нимани тушунасиз?
37. Коррупциявий омилар нима?
38. Вазирлар Маҳкамасининг тезкор ва бошқа жорий масалалар бўйича қандай турдаги ҳужжат қабул қилинади?
39. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартибини тушунтириб беринг?

1.2. Халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик соҳасига оид саволлар

1. Jus cogens нормаларининг моҳияти ва халқаро ҳуқуқий нормалар тизимидаги ўрнини таҳлил қилинг.
2. Халқаро ҳуқуқ манбаларининг таснифланишини таҳлил қилинг.
3. Ҳужжат халқаро ҳуқуқ манбаси сифатида тан олинishi учун қандай асосий талабларга жавоб бериши лозим?
4. Жисмоний шахслар халқаро ҳуқуқ субъекти ҳисобланадими?
5. Нима учун давлатлар халқаро ҳуқуқнинг асосий субъекти ҳисобланади?
6. Халқаро ташкилотлар халқаро ҳуқуқ субъектчилигининг хусусиятлари нималарда намоён бўлади?
7. Халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари иерархияси мавжудми? Мавжуд бўлса санаб беринг.
8. Халқаро ҳуқуқда давлатларнинг суверен тенглик принципининг моҳиятини таҳлил қилинг.
9. Халқаро ҳуқуқда низоларни тинч йўл билан ҳал этиш принципининг моҳияти ва низоларни тинч йўл билан ҳал этиш воситаларини таҳлил қилинг.
10. Халқаро ҳуқуқда бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципининг моҳиятини таҳлил қилинг.
11. Халқаро ҳуқуқнинг ҳудудий яхлитлик принципи таснифи қандай?
12. Халқаро ташкилотларни таснифлаб беринг.
13. Маълумки, халқаро ташкилотларнинг халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ва халқаро ноҳукумат ташкилотларга бўлинади. Халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ва халқаро ноҳукумат ташкилотларнинг фарқларини таҳлил қилинг.
14. Халқаро ҳуқуқнинг самарали тараққиёти ва глобаллашув жараёнларида халқаро ташкилотларнинг роли қандай?
15. Халқаро иқтисодий ҳуқуқ соҳасида қандай халқаро ташкилотлар фаолият олиб боради?
16. БМТ ташкил топишининг тарихий илдизлари ва у қандай мақсадларни кўзлайди?
17. БМТ бош органлари қайсилар?
18. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти – халқаро ҳуқуқбузарликларга қарши курашда халқаро универсал ташкилот сифатидаги ўрнини таҳлил қилинг.
19. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги 1991 йил 8 декабрда ташкил этилган. Мазкур ташкилотнинг мақсади қандай?
20. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доимий фаолият юритувчи минтақавий ҳукуматлараро халқаро ташкилот. Мазкур ташкилотнинг мақсад ва вазифалари қандай?

21. Дипломатик ваколатхонанинг фаолият вазифаларини изоҳланг.
22. Дипломатик иммунитет ва имтиёзларнинг ҳуқуқий асослари нималардан иборат?
23. Халқаро ҳуқуқда “дипломатик ҳимоя” тушунчаси қандай?
24. Консуллик муассасаларининг қандай турлари мавжуд?
25. Консулнинг вазифаси қайси ҳолларда тугатилади?
26. Халқаро ҳуқуқда тан олиш ва давлатларни тан олиш тушунчасини таснифлаш?
27. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг мақсади ва устувор вазифалари қандай?
28. “Халқаро шартномалар ҳуқуқи” тушунчасини таснифланг.
29. Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенцияси асосида халқаро шартномага тушунча беринг.
30. Халқаро шартномалар ҳуқуқининг субъектлари кимлар ҳисобланади ва субъектликнинг талаблари нималардан иборат?
31. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар тўғрисидаги қонунига мувофиқ ким халқаро шартнома тузиш ваколатига эга ва мазкур ваколатлар қандай амалга оширилади?
32. Халқаро шартномани ратификация қилиш нима? Ўзбекистон Республикасида ратификация қилиш жараёни нима билан якунланади?
33. Халқаро шартномалар ҳуқуқида оговорка (қўшимча шарт, изоҳ) тушунчаси мазмунини ёритиб беринг.
34. Халқаро шартномалар ҳуқуқида депозитарий ва унинг вазифалари нималардан иборат?
35. Халқаро шартномаларни тузиш қандай босқичлари мавжуд?
36. Халқаро шартноманинг бекор қилиниши тартиби қандай?
37. Халқаро шартномаларнинг ҳақиқий эмас деб топиш сабабларини аниқланг.
38. Ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасида халқаро шартномаларнинг турларини кўрсатинг ва уларнинг аҳамиятини изоҳланг.
39. Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларнинг юридик кучига қараб классификациялаб беринг.
40. Халқаро ҳуқуқда инсон ҳуқуқларининг асосий ядроси моҳияти ва аҳамиятини баён қилинг.
41. Халқаро ҳуқуқда фуқаролик тушунчаси қандай?
42. Халқаро ҳуқуқда мажбур қилиш тушунчаси ва унинг турлари.
43. Халқаро ҳуқуқда қандай қарши чоралар мавжуд?
44. Давлат иммунитетининг («дахлсизлик ҳуқуқи») тушунчаси.
45. Давлат юрисдикцияси тушунчаси?
46. Давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги тушунчаси ва унинг турлари.
47. Халқаро ҳуқуқда ҳудуд тушунчаси ва турлари.
48. Давлат чегараларининг турлари ва халқаро ҳуқуқда ҳудудий низолар.
49. Халқаро ҳуқуқда жавобгарлик тушунчаси таснифлаб беринг.
50. Халқаро ҳуқуқда бошпана ҳуқуқи тушунчасини таснифлаш?

1.4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш соҳасига оид саволлар

1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат нима? Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахсларни санаб беринг.
2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари ва уларнинг ўзаро нисбати ҳақида гапириб беринг.
3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш тартибини тушунтириб беринг. У ўз ичига қандай босқичларни қамраб олади?
4. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган қандай расмий манбаларни биласиз?
5. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қачондан бошлаб кучга киради? Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг вақт бўйича амал қилишини тушунтириб беринг.
6. Ҳуқуқий ахборот нима? Уни тарқатиш усуллари санаб беринг.
7. Давлат органларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини юритиш тартибини тушунтириб беринг.
8. Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби деганда нимани тушунасан ва у ўз ичига нималарни қамраб олади?
9. Қайси турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат ҳисоби юритилиши керак?
10. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига қачондан бошлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манба мақоми берилган? Қайси орган ёки муассасага ушбу Миллий базада қонун ҳужжатларини нашр этилишини таъминлаш ваколати берилган?
11. Қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатга асосан ва қачондан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашиларида ҳар йили тегишлича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифатнинг ахволи тўғрисидаги ахборотининг эшитилиши амалиётга жорий қилинган?
12. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат ҳисоби учун юбориш тартибини тушунтириб беринг.
13. Адлия вазирлигига ва адлия бошқармаларига келиб тушган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қандай йўл билан давлат ҳисобига олинади?
14. Қандай турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Давлат ҳисоби юритилмайди?
15. Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлашнинг асосий принциплари қайсилар?
16. Жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг сўровларига кўра ҳуқуқий ахборот тақдим этиш тартибини тушунтириб беринг.
17. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси деганда нима тушунади?
18. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат мазмунига қўйиладиган талабларни санаб беринг.
19. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг реквизитлари деганда нимани тушунасан?
20. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини тушунтириб беринг.

1.7. Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари соҳасига оид саволлар

1. Халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари ҳақида маълумот беринг.
2. Халқаро ҳуқуқнинг манбалари ҳақида маълумот беринг.
3. Халқаро ҳуқуқнинг субъектлари ҳақида маълумот беринг.

4. Халқаро ташкилотлар ва уларнинг турлари ҳақида маълумот беринг?
5. Халқаро ташкилотлар ва халқаро ноҳукумат халқаро ташкилотларнинг фарқи нимада?
6. Халқаро ташкилотларнинг функциялари нималардан иборат?
7. Халқаро ташкилотларга аъзолик ҳақида маълумот беринг.
8. Халқаро оммавий ҳуқуқ ва халқаро хусусий ҳуқуқнинг фарқи нимада?
9. Халқаро шартномалар ва уларнинг турлари ҳақида маълумот беринг.
10. Халқаро шартномаларни тузиш босқичлар ҳақида маълумот беринг.
11. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича қанақа халқаро механизмларни биласиз?
12. Бирлашган миллатлар ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари ҳақида маълумот беринг.
13. Бирлашган миллатлар ташкилоти тузулмаси ҳақида маълумот беринг.
14. Бирлашган миллатлар ташкилотининг ихтисослашган муассасалари ҳақида маълумот беринг.
15. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги асосий халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида маълумот беринг.
16. Ўзбекистон Республикаси имзолаган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича қайси халқаро ҳужжатларни биласиз?
17. Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳақида маълумотлар беринг.
18. Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференцияси ҳақида маълумот беринг.
19. Ўзбекистон Республикаси манфаатларига дахлдор қанақа хорижий ташкилотларни биласиз?
20. Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш нима учун керак?
21. Сиёсий-ҳуқуқий соҳада қанақа халқаро рейтинг ва индексларни биласиз?
22. Халқаро рейтинг ва индекслар шакллантиришда асосий маълумотлар қанақа усулда йиғилади?
23. Сиёсий-ҳуқуқий соҳадаги халқаро рейтинг ва индексларнинг асосий индикаторлари нималар?
24. Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон ўрнини яхшилаш бўйича қандай ҳужжатлар қабул қилинган?
25. Инвестиция арбитражи тушунчаси?
26. Халқаро инвестицияга доир низоларини ҳал қилиш турлари ва усуллари?
27. Инвестиция арбитражи қандай элементларни (ҳуқуқ соҳалари) ўз ичига олади?
28. Бугунги кундаги қандай инвестицияларга доир суд жараёнларини биласиз?
29. Халқаро инвестицияга доир низонинг халқаро тижорат арбитражига нисбатан фарқи нимада?
30. Талабларнинг моҳияти бўйича инвестицияга доир низолар қандай турларда бўлади?
31. Кимларни халқаро тижорат арбитражи тарафлари деб атаса бўлади?
32. Инвестицияга доир низонинг предмети нимада?
33. Вашингтон конвенциясининг (1965 йил) халқаро инвестиция низоларини ҳал этилишидаги аҳамияти?
34. ICSID (МҚУИС) замонавий арбитраж низоларини ҳал этилишида қандай рол ўйнайди?
35. ЮНСИТРАЛ регламенти ва уни арбитраждаги ўрни қандай?
36. Телеграмма ва хатларнинг халқаро арбитражда аҳамияти қандай?
37. Чет давлат судлари ва арбитражларининг қарорларини тан олиш ҳамда ижрога қаратиш тўғрисидаги ишларга нималар киради?
38. Репатриация нима?
39. Экспроприация тушунчаси?
40. Реквизиция тушунчаси?

41. Мақсад объекти бўйича инвестициялар нималарга бўлинади?
42. Халқаро инвестицион арбитражда арбитрлар танлаш?
43. Арбитраж жойига қандай талаблар бор?
44. Мумкин бўлган арбитраж ишида инвесторнинг миллати деганда нимани тушунасиз?
45. Арбитраж ва мамлакатнинг инвестицион иқлими ўртасидаги боғлиқлик нималарда акс этади?
46. Арбитраж вақт оралиқларини айтинг?
47. Арбитраж регламентининг ўрни?
48. Қандай ҳолатда арбитраж халқаро ҳисобланади?
49. Халқаро тижорат арбитражида арбитраж битимининг икки турини айтинг?
50. Низода чет эл элементнинг роли ва ўрни?

1.8. Фан, иновация ва таълим дастурларини ишлаб чиқиш, Ўқув жараёнини ташкил этиш ва назорат қилиш соҳасига оид саволлар

1. Таълим соҳасидаги қандай қонун ҳужжатларни биласиз?
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига асосан Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принципларини айтиб беринг?
3. Ўзбекистон Республикасидаги таълим турларини тўғрисида маълумот беринг?
4. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари.
5. Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида айтиб беринг?
6. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш деганда нимани тушунасиз?
7. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таълим соҳасидаги ваколатларини санаб беринг?
8. Таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органларини айтинг?
9. Таълим муассасаларини ташкил этиш тартиби тўғрисида маълумот беринг?
10. Давлат таълим стандартлари тушунчасини ва уни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини айтиб беринг?
11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказини фаолиятини тартибга солишга доир қонун ҳужжатларини айтиб беринг?
12. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби ким томонидан белгиланади.
13. Таълим тизими ва турларини тушунтириб беринг.
14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази фаолияти тўғрисида нималарни биласиз ?
15. Давлат таълим стандартлари, унинг турлари ва ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби.
16. Дарс жадвалларини шакллантириш мезонларини ёритиб беринг?
17. Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартибини тушунтириб беринг?
18. Юристлар малакасини ошириш марказининг мақсади, вазифалари, ва фаолиятининг асосий йўналишлари?
19. Ўқув дастурларининг тури ва мазмунини тушунтириб беринг?
20. Юристлар малакасини ошириш марказида ўқув жараёнини ташкил қилиш тартибини тушунтириб беринг.
21. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказида фақат ҳуқуқшуносларни малакасини оширадими ёки бошқа соҳа вакилларини ҳам малакаларини оширадими?

22. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Юристлар малакасини ошириш маркази фаолияти билан боғлиқ қандай ваколатлари бор?

23. Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича қисқа муддатли профессионал ўқитиш курслари ҳақида қандай маълумотларга эгасиз? Курсда ўқитиш қайси соҳаларни ўз ичига олади?

24. Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича қисқа муддатли профессионал ўқитиш курсларида кимлар ўқиши мумкин? Талабгорларга қандай талаблар қўйилган?

25. Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича қисқа муддатли профессионал ўқитиш курсларида таълим жараёни қандай тартибда олиб борилади, ўқув машғулотлари ҳақида қандай маълумотларга эгасиз?

26. Олий маълумотга эга бўлган шахсларни юридик мутахассисликка қайта тайёрлаш курслари ҳақида қандай маълумотларга эгасиз? Курсда кимлар ўқиши мумкин?

27. Олий маълумотга эга бўлган шахсларни юридик мутахассисликка қайта тайёрлаш курсларида ҳужжат топшириш ва имтиҳон жараёнлари қандай тартибда амалга оширилади?

28. Олий маълумотга эга бўлган шахсларни юридик мутахассисликка қайта тайёрлаш курсларида ўқув жараёни муддати, дарс машғулотларини ташкил этиш тартиби ҳусусида қандай маълумотларга эгасиз?

29. Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказида ташкил этиладиган курслар битирувчиларига қандай ҳужжатлар тақдим этилади? Битирувчилар қайси соҳаларда меҳнат фаолиятини олиб боришлари мумкин? Афзалликлар қандай?

30. Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказида ташкил этиладиган профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари ҳақида қандай маълумотларга эгасиз?

31. Мавжуд билим ва кўникмаларингиздан келиб чиқиб, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими бўйича, умуман, юридик таълим тизимини ислоҳ қилиш юзасидан қандай таклифларни билдирасиз?

1.9. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасига оид саволлар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари нималардан иборат?
2. Кимлар қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга?
3. Мулк ҳуқуқи нима? Мулк ҳуқуқининг шакллари, субъектлари ва объектлари.
4. Қайси ҳолларда битимлар нотариал тасдиқланиши шарт?
5. Даъво муддати, умумий даъво муддати ва махсус даъво муддати?
6. Юридик шахс тушунчаси ва унинг ҳуқуқ лаёқати деганда нимани тушунаси?
7. Шартноманинг битимдан фарқи нимада?
8. Сервитут ҳуқуқи ҳақида нима биласиз?
9. Зарарни қоплаш деганда нимани тушунаси? Давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан етказилган зарар ким томонидан тўланади?
10. Фуқаронинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати. Фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топишга сабаб бўлган асослар?
11. Васийлик ва ҳомийлик деганда нимани тушунаси?
12. Масъулияти чекланган жамият нима? Бу турдаги жамият энг ками ва кўпи билан неча шахс томонидан таъсис этилади?
13. Акциядорлик жамиятлари, уларнинг устав фонди ҳақида гапириб беринг?
14. Эмансипация нима? Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар томонидан битимларни тузиш шартлари?
15. Виндикация деганда нимани тушунаси? Мол-мулкни инсофли эгалловчидан талаб қилиб олиш тартиби?
16. Мажбурият тушунчаси. Мажбуриятни бажариш муддати? Мажбуриятнинг бажарилиши қандай усуллар билан таъминланиши мумкин?
17. Кимлар ишсиз деб эътироф этилади?
18. Қандай ҳолларда алимент мажбуриятлари тугатилади?
19. Кимлар васий ва ҳомий этиб тайинланмайди?
20. Фуқаролик ишлари бўйича суд қайси ҳолларда иш юритишни тугатади?
21. Суд ҳужжатларининг қандай турлари мавжуд?
22. Ота-онанинг вояга етмаган болаларига тўлайдиган алимент миқдори қандай?
23. Меҳнат низолари бўйича кимлар судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга?
24. Ҳакамлик судлари томонидан қандай низолар ҳал этилади?
25. Суднинг қарорлари (ажримлари) устидан шикоят қилиш тартиби қандай?
26. Инсон ҳуқуқлари бўйича қандай халқаро ҳужжатлар мавжуд?
27. Мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби?
28. Мурожаатларни кўрмай қолдириш билан уларни кўриб чиқишни тугатишда қандай фарқ бор?
29. Вояга етмаган шахслар давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгами?
30. Қандай ишларни бажарилиши мажбурий меҳнат ҳисобланмайди?
31. Давлат пенсияларининг турларини ёригиб беринг?
32. Пенсияга чиқишда ўртача ойлик иш ҳақини аниқлашнинг умумий тартиби?
33. Солиқлар ва йиғимларининг турларини сананг?
34. Давлат божини қандай турлари мавжуд?
35. Реторсиялар нима?
36. Қанча муддатда меҳнат низосини ҳал қилишни сўраб судга ёки меҳнат низолари комиссиясига мурожаат этиш мумкин.
37. Қандай ҳолларда суд даъво аризасини даъво муддати ўтганлиги муносабати билан судда кўриб чиқиш учун қабул қилишни рад этиши мумкин.
38. Меҳнатга ҳақ қанча муддатларда тўланади?
39. Қандай ҳолларда ходимнинг меҳнат ҳақидан ушлаб қолинади.

40. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар деганда кимлар тушунилади?
41. Суднинг дарҳол ижро этилиши лозим бўлган ҳал қилув қарорлари қайсилар?

2. УМУМИЙ ҚОНУНЧИЛИК СОҲАСИ БЎЙИЧА САВОЛЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида давлат бошқарувини такомиллаштиришга оид қандай вазифалар белгиланган?
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони қачон қабул қилинган, унинг асосий йўналишлари қандай?
3. Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгартиришларга кўра мамлакат суд тизимида қандай янгиликлар рўй берди?
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг палаталари қандай шакллантирилади?
5. Мурожаатнома нима ва унда нималар акс эттирилади?
6. Президент мурожаатномасида 2019 йил «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да ижтимоий соҳада қилиниши кўзда тутилган ислохотларнинг мазмун моҳияти.
7. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига 2017 йил 31 майда киритилган ўзгартиришларга мувофиқ Конституциявий суд қандай янги ваколатларга эга бўлди?
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида таълим соҳасига оид қандай ташаббуслар илгари сурилди.
9. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш тартиби қандай босқичларни ўз ичига олади?
10. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ҳамда давлат рўйхатидан ўтказмасликнинг оқибатлари ҳақида гапиринг.
11. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий эълон қилишга доир талабларни айтинг.
12. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилинадиган расмий манбаларини тўлиқ айтиб беринг. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш тартибини тушунтиринг.
13. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш тартиби.
14. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш тартиби.
15. Ишга қабул қилишда дастлабки синов деганда нимани тушунасиз?
16. Иш берувчи карангин ва масофадан ишлаш пайтида иш ҳақи ва нафақа тўлаши керакми?
17. Иш берувчи карангин пайтида ходимларга тўлиқсиз иш вақти белгилаши мумкинми?
18. Иш берувчи карангин пайтида ходимни ишдан бўшатиши мумкинми?
19. Мурожаатларнинг турлари ва шакллари
20. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат амал қилишининг тўхтатиб турилиши ва тугатилиши тартиби.
21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қандай тартибда шакллантирилади?
22. Қонун ҳужжатлари лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритиш тартиби.

23. Давлат бошқарув органи ҳамда хўжалик бошқарув органларининг ўзаро фарқи.
24. Мурожаатларни бериш ва кўриб чиқиш тартиби
25. Мурожаатларга қўйиладиган талаблар
26. Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш тартиби.
27. Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналарининг ва Виртуал қабулхонасининг асосий вазифалари ва мажбуриятлари нималардан иборат.
28. Ариза, шикоят ва таклифларни бериш муддатлари.
29. Мурожаатлар бўйича иш юритиш тартиби.
30. Мурожаатларни кўрмай қолдириш асослари
31. Мурожаатларни кўриб чиқишни тугатиш асослари.
32. Мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органининг, ташкилотнинг ва мансабдор шахсларининг мажбуриятларини айтиш.
33. Коррупцияга таъриф беринг
34. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари нималардан иборат?
35. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий принциплари нималардан иборат?
36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон қарорига асосан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиши, келишилиши ва уларнинг қабул қилиниши борасидаги фаолиятда қандай янги тартиблар жорий қилинди?
37. Рақамли иқтисодиёт деганда нимани тушунаси?
38. Рақамли иқтисодиётнинг оддий иқтисодиётдан фарқи нимада?
39. Фуқаролик судлари томонидан қандай ишлар кўриб чиқилади?
40. Маъмурий судлар томонидан қандай ишлар кўриб чиқилади?
41. Иқтисодий судлар томонидан қандай ишлар кўриб чиқилади?
42. Қонун ҳужжатларини туркумлаш деганда нимани тушунаси ва унинг асосий мақсади?
43. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 5843-сон фармонининг мазмун-моҳияти
44. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 26 мартдаги ЎРҚ-613-сонли қонун билан коронавирус пандемиясига қарши кураш билан боғлиқ Жиноят кодексга киритилган янгиликларни айтиш.
45. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш шакллари айтиш.
46. Бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича миллий қонунчилик тизими.
47. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5415-сон Фармонига асосан, Адлия вазирлигига халқаро арбитражлар ва суд ишлари масалалари бўйича қандай ҳуқуқлар берилди?
48. Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ва ҳудудий адлия органлари раҳбарларининг ҳисобдорлиги юзасидан, хусусан уларнинг тегишлича давлат ҳокимияти вакилик органларига ахборот тақдим қилиши борасида қандай янги тартиб жорий қилинди?
49. Маъмурий тартиб-таомил нима? “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуннинг мақсади ва асосий вазифаси.
50. Маъмурий органнинг мансабдор шахси маъмурий орган номидан маъмурий иш юритишда қандай ҳолатларда иштирок этишга ҳақли эмас?

51. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясига мувофиқ профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари ва вазифаларини айтинг.

52. Фуқаролик - ҳуқуқий шартнома нима?

53. Давлат-хусусий шериклик ва унинг объектлари.

54. Ижро интизоми нима, ижро интизоминини тартибга солишчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни айтинг.

55. Юридик хизмат нима? Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматлари фаолиятининг асосий йўналишлари.

56. Маъмурий судлар томонидан қандай ишлар кўриб чиқилади?

57. Фуқаролик судлари томонидан қандай ишлар кўриб чиқилади?

58. Иқтисодий судлар томонидан қандай ишлар кўриб чиқилади?

59. Қайси ҳолларда суд буйруғи чиқарилишига йўл қўйилади?

60. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий принциплари нималардан иборат?

61. Конституция-ҳуқуқий муносабатларнинг объектлари ва субъектлари.

62. Конституциявий ҳуқуқ нормалари ва институтлари.

62. Конституциявий ҳуқуқ манбалари ва тизими.

63. Халқаро ҳуқуқнинг умумий эътироф этилган нормаларини Конституциямизда акс эттирилганлиги.

64. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятининг амалга оширилиши деганда нимани тушунасиз? Давлат фаолиятининг асосий принципларини ёритиб беринг.

65. Референдум нима? Мамлакатимизда референдум ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини кўрсатинг.

66. Давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципи деганда нимани тушунасиз? Ушбу принципнинг мазмун-моҳиятига тўхталинг.

67. Конституция ва қонунларнинг устуворлиги деганда нимани тушунасиз? Мисоллар билан фикрингизни асосланг.

68. Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари деганда нималарни тушунасиз? Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қандай халқаро ҳужжатлар билан танишмисиз?

69. Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларга нималар қиради. Уларнинг қандай кўринишлари мавжуд.

70. Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларга нималар қиради.

71. Мулк нима? Мулк дахлсизлиги қандай таъминланади?

72. Умуммиллий бойликлардан фойдаланиш тартиби қандай? Уларни давлат муҳофаза этилиши қандай йўللار билан амалга оширилади?

73. Мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш, тасарруф қилиш, мулкдан маҳрум қилиш деганда нимани тушунасиз?

74. Жамоат бирлашмалари деганда нимани тушунасиз? Жамоат бирлашмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ўрни.

75. Касаба уюшмалари нима? Касаба уюшмаларининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини айтиб беринг.

76. Жамоат бирлашмаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш шакллари ва ҳуқуқий асосларини ёритиб беринг.

77. Маъмурий-ҳудудий тузилиш тушунчаси ва унинг тамойиллари ва маъмурий-ҳудудий бирликларни ўзгартириш ва тугатиш тартиби.

78. Ўзбекистон Республикасида сайлов органлари, уларнинг тизими ва фаолият йўналишларини ёритиб беринг.

79. Сайлов қончилигига киритилган сўнги ўзгартиришлар нималардан иборат эди.

80. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг давлат ҳокимият тизимидаги ўрни.
81. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг мазмун-моҳиятини тушунтиринг. Кимлар қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга.
82. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми.
83. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми.
84. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фаолиятини ташкил этиш тартиби ва унинг таркибий тузилмалари.
85. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзосининг ҳуқуқий мақомини батафсил ёритиб беринг. Уларнинг фаолият йўналишлари нималардан иборат.
86. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мутлоқ ваколатларига нималар киради?
87. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Олий Мажлис Сенатининг мутлоқ ваколатларига нималар киради?
88. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатларига нималар киради?
89. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатларига нималар киради?
90. “Паспорт тизими қоидаларини бузиш” маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи МЖТК 223-моддасига қандай муҳим ўзгартишлар киритилди?
91. Агар ходим ўзининг ҳақ тўланадиган меҳнат таътилидан фойдаланиб бўлган бўлса ёки тасдиқланган таътиллار жадвалидан ташқари уни олишни истамаса-чи?
92. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ суд тизими ҳақида гапириб беринг.
93. Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари вужудга келишининг қандай асослари мавжуд? Фуқаролик ҳуқуқлари қандай усуллар орқали ҳимоя қилинади?
94. Зарарни қоплаш деганда нимани тушунасиз? Давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан етказилган зарар ким томонидан тўланади?
95. Фуқаронинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати. Унинг вужудга келиши. Фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топишга сабаб бўлган асослар.
96. Юридик шахс тушунчаси ва турлари. Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати.
97. Битимлар тушунчасига таъриф беринг. Битимларнинг қандай турлари мавжуд? Шартнома билан битимнинг фарқи.
98. Эмансипация нима? Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар томонидан битимларни тузиш шартлари.
99. Ишончнома тушунчаси ва унинг шакли.
100. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра Вазирлар Маҳкамаси ваколатларига нималар киради ва у қандай соҳаларга раҳбарлик қилади? 262
101. Мулк ҳуқуқи тушунчаси. Мулк ҳуқуқи субъектлари ва объектлари ҳақида гапириб беринг.
102. Хусусий мулк ҳуқуқи. Оммавий мулк қандай мулкларни қамраб олади?
103. Мажбурият тушунчаси. Мажбуриятни бажариш муддати? Мажбуриятнинг бажарилиши қандай усуллар билан таъминланиши мумкин?
104. Интеллектуал мулк объектлари ва уларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш.
105. Мерос таркибига нималар киради?
106. Вояга етмаган, муомала лаёқати чекланган ва муомала лаёқатсиз деб топилган фуқаролар томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик.
107. Муаллифлик ҳуқуқи нима?
108. Турдош ҳуқуқлар ва уларнинг муҳофаза белгилари.

109. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепцияси”ни тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони қачон қабул қилинди? Ушбу ислохотларнинг асосий йўналишлари айтиб беринг.

110. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашнинг усуллари ёритиб беринг.

111. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишларини ёритиб беринг.

112. Парламент назоратини амалга ошириш деганда нимани тушунасиш.

113. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига умумий тавсиф беринг.

114. “Электрон ҳукумат” тизимига тавсиф беринг.

115. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясидаги давлат бошқаруви тизимини тубдан ислох қилишнинг асосий йўналишларини ёритиб беринг ва концепциясида назарда тутилган ислохотларнинг амалга оширилиши қандай натижаларга эришишга қаратилган?

116. Давлат хизматлари нима ва ундан қачон, қай тартибда фойдаланиш мумкин?

117. regulation.gov.uz веб-сайтининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

118. Васийлик ва ҳомийлик масалалари бўйича оила қонунчилигида қандай ўзгаришлар амалга оширилди?

119. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 1 апрелдан кучга кирган Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг вазифалари ва амал қилиш соҳасини аниқланг.

120. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимида катта ўзгаришлар содир бўлди. Мазкур ислохотлар учун қандай тамойиллар асос қилиб олинди?

121. Ўзбекистон Республикасида демократик жамиятни барпо этишда сиёсий партияларнинг роли ва вазифалари қандай?

122. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига асосан коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари сифатида қайси органлар эътироф этилган.

123. Ота-оналарнинг ўз мажбуриятини бажармаганлиги учун қонунчиликда қандай жавобгарлик чоралари белгиланган?

124. Тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича масъул бўлган қандай идора ва ташкилотларни биласиз. Уларнинг асосий ваколатлари нималардан иборат.

125. Суд ва ФХДЁ органларида кўриладиган никоҳдан ажралиш масалаларига доир Оила кодексига 2018 йилда киритилган янгиликларнинг аҳамияти нимадан иборат?

126. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида фуқаролик масалаларига оид қонунчиликни такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида амалга ошириш зарур бўлган қандай вазифаларга тўхталиб ўтди.

127. Гендер тенглик деганда нима тушунасиш. Ушбу соҳани тартибга солувчи қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишсиз?

128. Никоҳ тузиш тартибининг ҳуқуқий жиҳатлари қандай белгиланган?

129. 2020 йил – Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили Давлат дастури”да белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳияти.

130. Конституцияга кўра Ўзбекистон сайлов тизими қандай?

131. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра Вазирлар Маҳкамаси ваколатларига нималар киради ва у қандай соҳаларга раҳбарлик қилади?

132. Даъво муддати тушунчаси ва турлари. Даъво муддатининг ўта бошлаши қайси ҳолларда тўхтатилади?

3. АМАЛИЁТДА КЎП УЧРАЙДИГАН МУАММОЛИ ҲОЛАТЛАР (КАЗУСЛАР)

1. Фуқаро Т. фуқаро Б.га қарзни қайтармаслик мақсадида Б.ни меҳмонга чақириб, унинг овқатига ўткир заҳарли модда қўшиб юборади, натижада Б. ўткир ичак заҳарланиши оқибатида оғир аҳволда касалхонага ётқизиلىб, тезкор тиббий ёрдам кўрсатилиши натижасида ҳаёти сақланиб қолинди.

Топшириқ: Фуқаро Т.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.

2. Фуқаро Юнусобод туман мактабгача таълим бўлимида ишловчи И.Пардаева 2019 йил 8 декабрь куни ҳомиладорлик таътилига чиққан. Ҳомиладорлик даврида икки нафар фарзанд кўрган. Мактабгача таълим мудираси фуқаро И.Пардаевага 56 календарь кун муддати билан туғиш таътили берган. Фуқаро И.Пардаева мазкур ҳолатдан норози бўлиб туман адлия бўлимига мурожаат қилган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

3. ЯТТ Шодиев ва SUMAYA SERVICE MChJ билан шартнома имзолади ва унга кўра, Шодиев 2016 йил давомида 500 000 000 сўмлик мол гўшти етказиб бериши керак эди. Ушбу қийматдаги маҳсулотни етказиб берди. Бироқ, етказиб берилган маҳсулотлар ҳақининг бир қисми (15 000 000 сўми) тўлаб берилмади. ЯТТ Шодиевда судга мурожаат қилиш вақтида SUMAYA SERVICE MChJ томонидан қарздорлик хусусидаги маълумотнома мавжуд эди холос. Фуқаро Шодиевнинг эътиборсизлиги билан шартнома ва топшириш – қабул қилиш далолатномалари сақланиб қолмаганди. Шартномада унинг тадбиркорлик субъекти ёки фуқаро кўрсатилганлигининг ҳам имкони қолмаган эди. Тўланган пуллар эса, кўп ҳолларда нақд пул кўринишида берилган эди. SUMAYA SERVICE MChJда ушбу ҳолат хусусида ҳужжатлар мавжуд эмас эди.

Фуқаро Шодиевнинг ўз манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятларини жиддий танқидий таҳлил қилинг.

5. Сўнгги йилларда мамлакатимизда бир йил давомида 300.000 дан ортиқ қайд этилган никоҳдан 28.000 дан кўпроқ шаръий никоҳлар махсус жамоатчилик кенгаши вакиллари томонидан олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида аниқланиб, ФХДЁ органлари томонидан қонунийлаштиришга эришилган.

Савол: Бу нимани билдиради?

6. Адвокат Д. туман ички ишлар органлари терговчиси Ч.га ўзини паспортини кўрсатиб, айбланувчи З.нинг яқин қариндошлари илтимосига кўра, айбланувчи билан учрашувга келганини айтди. Терговчи Ч. томондан адвокат илтимоси рад этилди.

Топшириқ: Ички ишлар органлари терговчиси Ч.нинг ҳаракатлари тўғрими?

7. Давлат санитария-эпидемиология назорати бошқармалари туман филиали мудир С. ветеринария қоидалари ва нормаларини бузганлик учун фуқаро Ж.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 109-моддасида назарда тутилган, яъни ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини бузиш маъмурий ҳуқуқбузарлиги бўйича баённома тузади ва маъмурий жазо чораси қўллаш ҳақида қарор чиқаради.

Топшириқ: Давлат санитария-эпидемиология назорати бошқармалари туман филиали мудир С.нинг ҳаракатлари тўғрими?

8. Шаҳарлараро электр транспорти назоратчи-тафтишчиси К., электрпоездда Ф. исмли фуқаро томондан тамаки маҳсулотини истеъмол қилганлиги учун маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузмокчи бўлганда, Ф. исмли фуқаро тафтишчи бундай ваколатга эга эмаслиги, бундай ваколатга фақат ички ишлар идоралари ҳодимлари ҳақли эканлигини айтиб ўзини таништирмасдан назорат-тафтишчига бўйсунмади.

Топшириқ: Шаҳарлараро электр транспорти назоратчи-тафтишчиси К.нинг ҳаракатлари тўғрими?

9. Фуқаро А. ва С. ФХДЁ бўлимига никоҳ тузиш ҳақида ариза билан мурожаат қилишди. ФХДЁ бўлими ходими уларга никоҳ ариза берилган кундан бошлаб бир ойдан кейин қайд этилишини тушунтирди ва тиббий кўрикдан ўтиш учун йўлланма берди. А. ва С. тиббий кўрикдан ўтишдан бош тортишди. Сабаб қилиб улар опа-сингилнинг болалари, яъни холавачча бўлганликлари учун бир-бирларини жуда яхши билишлари ва соғлигидан ўзаро хабардор эканликларини кўрсатдилар.

Топшириқ: Опа-сингилларнинг болалари ўртасида никоҳ тузиш мумкинми? Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш никоҳланувчиларнинг розилиги билан амалга ошириладими? Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш ҳажми ва тартиби қайси орган томонидан белгиланади?

10. Фуқаро “Б” ўзига деҳқончилик қилиш учун ажратилган ер майдонига якка тартибдаги уй-жой қуришга ҳокимият томонидан тўсқинлик бўлаётганлигидан норози бўлиб судга мурожаат қилган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

12. Тадбиркорлик субъекти нодавлат таълим фаолияти хизматларини кўрсатиш учун лицензия олиш мақсадида ваколатли органга мурожаат қилди. Бироқ, ваколатли органнинг масъул ходими мазкур тадбиркор томонидан ҳужжатлар тўғри ва тўлиқ тақдим этилганига қарамасдан, тадбиркор илгари сурган ғоя ва мақсадларни ўрганиб чиқиб, лицензия бериш мақсадга мувофиқ эмаслигини таъкидлаб лицензия беришни рад этди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

13. 2019 йил октябрь ойида фуқаро Р.Рашидов сайлов участкасига мурожаат қилиб ўзини сайловчилар рўйхатига киритиб қўйишини сўрайди. Участка раиси унга аниқ сайловчилар миқдори бор эканлигини, сайловчилар рўйхатга олинган вақтда у яшаш жойида бўлмаганлиги туфайли киритилмаганлигини таъкидлайди. Ўз навбатида, Р.Рашидов бир кун аввал Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга бўлганлигини ва барча фуқаролар каби сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эгалигини айтиб ўтди. Сайлов участкаси раиси Р.Рашидов билдирган важларга эътибор қаратмасдан, рўйхатга олиш жараёни якунланганлигини ва рўйхат юқори турувчи комиссияга тақдим этилганлигини маълум қилди. Р.Рашидов юзага келган ҳолат бўйича судга шикоят аризаси билан мурожаат қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

14. Мирзо Улуғбек тумани ФХДЁ бўлимига 15 ёшга тўлган Иқболова ноқонуний туғилган фарзандига туғилганлик ҳақида гувоҳнома берилишини сўраб мурожаат қилди. ФХДЁ бўлими мудираси Иқболованинг ҳали тўла муомала лаёқатига эга эмаслигини инобатга олиб, ота-онасидан набираларининг туғилганлигини давлат рўйхатидан ўтказишга розиликлари ҳамда уни тарбиялашда иштирок этиб, моддий жиҳатдан таъминлашлари хусусида ёзма розилик беришлари кераклигини уқтиради. Иқболованинг ота-онаси бунга эътироз билдириб, қизларининг қилган ҳатти-ҳаракатлари

устидан норози эканликларини билдирадилар ва ҳеч қандай моддий ва маънавий ёрдам бера олмасликларини билдирадилар.

Савол: Вояга етмаган ота-онанинг болага нисбатан қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлари мавжуд? ФХДЁ бўлими мудирасининг талаблари ўринлими?

15. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни мақсад қилган фуқаро А.Каримов томонидан 2019 йил январда ягона таъсисчи бўлиб “ФАЙЗ” МЧЖ ташкил этди. Олти ой муддат ўтганидан сўнг, яъни 2019 йил июлда жамиятнинг устав фондини кўпайтириш мақсадида белгиланган тартибда янги икки нафар иштирокчи жамиятга қабул қилинди. Орадан бир йил ўтгач жамиятнинг таъсисчиси бўлган А.Каримов жамият таъсисчилар сафидан чиқмоқчилигини маълум қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

16. Д.Д 2014 йил январь ойидан электр пайвандлаш корхонасида механик бўлиб ишлаб келади. Д.Д ўтган муддат давомида меҳнат шартлари етарли таъминланмаганлиги сабабли меҳнат шартларини ўзгартириш ҳақидаги корхона раҳбарига мурожаат қилди. Унинг мурожаати эса “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунда назарда тутилган муддатларда кўриб чиқди. Д.Д бундан норози бўлиб, меҳнат инспекциясига мурожаат қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

17. Фуқаро Г.Г пахта тозалаш заводида оператор бўлиб ишга кирди. Иш берувчи билан ходим ўртасида муддатли меҳнат шартномаси тузилди. Муддатли меҳнат шартномаси тугагандан сўнг иш берувчи меҳнат муносабатлари тугалланганлиги тўғрисида ходимни огоҳлантирмади ва меҳнатга оид муносабатлар давом этаверди. Муддатли меҳнат шартномаси тугаган кундан саккиз кундан сўнг иш берувчи меҳнат шартномаси тугаганлигини айтди. Бундан норози бўлган Г.Г судга шикоят қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

18. Фуқаро Д.О ўзининг аризасига асосан иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилди ва иш берувчидан ишдан бўшатиш нафақаси тўланишини талаб қилди. Иш берувчи эса унга нисбатан ишдан бўшатиш нафақаси берилмаслигини ва амалдаги қонунчиликда назарда тутилмаганлигини айтиб ўтди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

19. “Islom Karimov nomidagi Toshkent xalqaro aeroporti” Давлат унитар корхонаси қурилиш-монтаж ишлари бўлими чилангари Д.Р.га йиллик асосий таътил ўн икки кун берилди. Ходим бу муддат меҳнат қонунчилигига мувофиқ эмаслигини билдирди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

20. Д.В. ишга қабул қилинганлигига 6 ой бўлмасдан туриб, “ERIELL Corporation s.r.o.” компанияси Қарши минтақавий бошқармасига 5-разрядли электрогаз пайвандчи вазифасидан иш ўрни қисқараётганлиги муносабати билан ишдан бўшатилиши маълум қилинди. Ходим Д.В йиллик асосий таътил сўраб мурожаат қилди ва мурожаати биринчи иш йили учун олти ой ишламаганлиги учун рад этилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

21. Ҳакимова умумий ўрта таълим мактабида юқори синф ўқитувчиси бўлиб ишлаб келаётган эди. Маълумоти - ўрта махсус. Янги 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб мактаб директори Ҳакимова билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишини айтди.

Директор ўрта махсус маълумотли кадрлар мактабда ўқитувчи бўлиб ишлай олмаслигини, шунинг учун ҳам Ҳакимова билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишини таъкидлади.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

22. А. ўзининг эри Т.нинг ҳўрлашларига чидай олмасдан уни ўлдиришга қасд қилди. А. эрининг овқатига заҳар қўшиб қўйди ва стол устига қўйди. Шу вақт уларнинг 14 ёшли фарзанди И. қорни очиб кетганлиги учун отаси учун сузилган овқатни еди. Натижада И. шу заҳоти ўлди. А.нинг ҳаракатларини квалификация қилинг.

23. Корхона бош бухгалтери билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 6-банди бўйича бекор қилинди. Бу лавозимда ишлаган Ж.Э. ўзи билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинишида қасаба уюшмаси розилигини олмай туриб бекор қилишга йўл қўйилмаслигини айтиб, судга шикоят қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

24. Қарзни ундириб бериш бўйича суднинг ҳал қилув қарори чиқарилди ва МИБга ижро варақаси жўнатилди. Ижро варақаси МИБга келиб тушгандан сўнг, давлат ижрочиси қарздорга 5 кунлик ихтиёрий ижро муддатини белгилади. Шунда қарздор давлат ижрочисидан норози бўлиб, ихтиёрий ижро муддати 15 кунлигини важ қилиб судга муурожаат қилди.

МИБ ходимининг хатти-ҳаракатлари қонунийми?

25. Йўловчи Ж. белгиланмаган жойдан йўлни кесиб ўтаётган вақтда рухсат этилган тезликда келаётган ҳайдовчи Й. уни уриб юборди. Ҳайдовчи Й. йўловчи ўзининг айби билан автоҳалокатга учраганлиги учун воқеа жойидан қочиб кетди. Ҳайдовчи Ж.нинг қилмишига баҳо беринг.

26. Бекобод шаҳар, Б.Марғилоний кўчаси, 56-уйда жойлашган Ипак йигирув фабрикаси Давлат мулк қўмитаси Тошкент вилоят бошқармасининг 1994 йил 3 ноябрдаги буйруғи билан давлат тасарруфидан чиқарилган ҳамда ушбу мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини тасдиқловчи “Буюк ипак йўли” ОАЖга 1994 йил 23 ноябрда 4279-сонли давлат ордери берилган. Бироқ, Бекобод шаҳар ҳокимининг 2019 йил 19 сентябрдаги 965-сонли қарори билан аввал хусусийлаштирилган мазкур мулк узоқ йиллар давомида фойдаланилмасдан бўш турганлиги важи билан ҳокимлик захирасига олинган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

27. Б. касалхонага соғлиғи ёмонлашгани туфайли врачнинг олдига келди. Врач тушлик вақти ўтиб кетганлигини ва ҳали тушлик қилмаганлигини айтиб, бемордан бир оз кутиб туриши лозимлигини айтди. Врачнинг ўз вақтида ёрдам бермаганлиги туфайли бемор енгил даражадаги тан жароҳати олди.

Қилмишга баҳо беринг.

28. ФХДЁ ходими Т. 9 йил олдин бола асраб олган М.дан унинг бола асраб олганлигини унинг боласига ва танишларига айтмаслик эвазига бир ҳафта ичида 2000 АҚШ доллари миқдорида пул талаб қилди. М. Т.нинг шартларини бажармаганлиги учун Т. М.нинг боласига уни асраб олинганлигини айтди. Т.нинг ҳаракатларига баҳо беринг.

29. Босқинчилик содир этилган вақтда маҳалла посбони жинойт содир этган шахсни ушлашга муваффақ бўлади ва ўз уйида бир сутка сақлаб туради. Бу ерда қандай хатолик мавжуд?

30. Туман Давлат солиқ инспекцияда юридик хизмат ходими штати анча вақтдан буён вакант. Мавжуд вакант иш ўрнини тўлдириш мақсадида туман Давлат солиқ инспекция ёнма-ён жойлашган туман молия бўлимида юрисконсулт лавозимида ишловчи фуқаро Ш.С.ни ўриндошлик асосида (0,5 ставкада) ишга қабул қилмоқчи. Тегишли ҳужжатлар ҳудудий адлия органига тақдим қилинди.

Айтингчи, туман молия бўлимида ишловчи фуқаро Ш.С.ни ўриндошлик асосида туман Давлат солиқ инспекциясида юрисконсулт лавозимида ишга қабул қилиниши қонун ҳужжатларига тўғри келадими?

31. “Д” исмли фуқаро шикоят билан туман адлия бўлимига мурожаат қилди. Мурожаатни кўриб чиқиш жараёнида “Д” исмли фуқаро истиқомат қиладиган маҳалла раиси унинг руҳий касалликлар диспансерида рўйхатда туришини тасдиқловчи маълумотномани тақдим этди.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

32. Мактаб директори жума куни мактаб ҳудудида ўқитувчилар иштирокида ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун ихтиёрий ҳашар ташкил қилди.

Ҳудуддаги бандликка кўмаклашиш маркази меҳнат ҳуқуқ инспектори мазкур ҳолат юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги 349-сон қарорига мувофиқ ҳашарлар фақатгина Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ ўтказилиши лозимлигини асос сифатида кўрсатиб, уни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51-моддаси (*Қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, меҳнатга бирон бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш*) биринчи қисми билан маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича қарор қабул қилди.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

33. Фермер хўжалиги раиси А.К.га нисбатан кадастр бўлими томонидан 2019 йил 9 январь куни ер майдонидан хўжасизларча фойдаланилгани учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 65-моддаси билан маъмурий жарима қўлланилди.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

34. “А” исмли фуқаро 2018 йил 20 октябрь куни бир марталик акция доирасида ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини олиш мақсадида оила аъзолари ҳақида ҳамда ер участкасига эгалик қилган муддатлари ва иморат қурилган вақт тўғрисидаги маълумотнома олиш учун МФЙга борганида МФЙ раиси унга Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 октябрдаги 789-сон қарорига асосан маълумотнома берилмаслигини таъкидлади.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

35. “Б” исмли фуқаро 2015 йилда Самарқанд вилоятида мавсумий ишчи бўлиб юрган пайтида Самарқанд вилояти, Пастдорғам қишлоғида ўзбошимчалик билан иморат қурган. “Б” исмли фуқаро Бухоро вилояти, А.Юнусов кўчаси, 101-уйда доимий рўйхатда туради. Фуқаро бир марталик акция доирасида Самарқанд вилояти Пастдорғам тумани давлат хизматлари марказига ўзбошимчалик билан қурилган иморатига мулк ҳуқуқини олиш учун мурожаат қилди. Бироқ, давлат хизматлари маркази ходими фуқаронинг паспортидаги яшаш жойи тўғрисидаги маълумотларига асосан унга Бухоро вилоятида жойлашган давлат хизматлари марказига мурожаат қилишини айтди.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

36. Фуқаролиги бўлмаган “В” исмли шахс бир марталик акция доирасида 2015 йилда қурилган ўзбошимчалик билан қурилган иморати жойлашган ҳудуддаги туман давлат хизматлари марказига ариза билан мурожаат қилади. Бироқ, давлат хизматлари маркази ходими аризани қабул қилишдан бош тортди.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

37. “Г” исмли ходим 2018 йил 1-5 май кунлари ишга сабабсиз келмади. Иш берувчи 2018 йил 6 май куни ундан тушунтириш хати олди. Бироқ, иш берувчи шу куни хизмат сафари билан чет элга кетди. Хизмат сафаридан қайтгандан сўнг “Г” исмли ходимнинг 2018 йил 6 май кунги тушунтириш хатига асосан унга 2018 йил 1 июль куни “хайфсан” интизомий жазо чорасини қўллаш тўғрисида буйруқ чиқарди.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

38. Тошкент шаҳри қурилиш коллежининг вояга етмаган 1-курс талабалари Т., В., Н.лар ўғирлик жиноятини содир этадилар. Дастлабки терговда жиноятни содир бўлишига сабаб бўлган ҳолатлар ўрганилган, лекин унинг олдини олиш чора-тадбирлари кўрилмаган. Суд муҳокамаси босқичида ҳукм билан бирга туман халқ таълими бўлими номига хусусий ажрим чиқарилган. Лекин хусусий ажрим умумий тарзда ёзилганлиги учун, судга жавоб хати йўлланмаган.

Хусусий ажримга қандай талаблар қўйилган? Хусусий ажримга жавоб хати йўлламаслик қандай хусусий оқибатларни юзага келтиради.

39. Тошкент шаҳрида жойлашган давлат корхоналаридан бирида бош ҳисобчи лавозимида фаолият юритаётган фуқаро Ф. томонидан давлат мулки ўзлаштирилганлиги факти бўйича прокуратура органи жиноят иши қўзғатди ҳамда дастлабки терговда терговчи томонидан жиноят содир этишда айбланаётган Ф.ни лавозимидан бўшатиш тўғрисида корхона раҳбарига тақдимнома киритилди. Терговчининг ҳаракатлари қонунийми? Тақдимнома қандай ҳолатлар бўйича киритилиши мумкин?

40. Коллеж ўқитувчиси “З” исмли фуқаро ишга 3 ойлик синов муддати билан қабул қилинган. “З” синов муддатини қониқарсиз ўтади. Коллеж кадрлар бўлими томонидан у билан тузилган меҳнат шартномасини Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 2-банди (*ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиги ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши*) билан бекор қилиш тўғрисида буйруқ лойиҳаси тайёрланди.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

41. “И” исмли фуқаро бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан 2019 йил 1 март куни корхона раҳбарига ариза мурожат қилиб, у билан тузилган меҳнат шартномасини 2 март кунидан бошлаб бекор қилишни сўради.

Ташкилот раҳбари “И” билан тузилган меҳнат шартномасини ариза берилган кундан кейин икки ҳафтадан ўтгач бекор қилишини таъкидлади.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

42. Кўп-қаватли уйда жойлашган хонадонда совуқ сув, газ учун ҳисоблагичлар ўрнатилмаган. Коммунал идора вакиллари хонадонда истиқомат қилувчи вояга етмаган 2 ёшдаги болани ҳам ҳисобга олган ҳолда тўловларни ҳисоблашди.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

43. Фуқаролик ишлари бўйича туманларо суди томонидан туман адлия бўлими томонидан киритилган меҳнат низоси билан боғлиқ аризаси Фуқаролик процессуал кодексининг 195-моддаси биринчи қисми 2-банди (*манфаатдор шахс номидан берилган ариза иш юритиш ваколатига эга бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса*) га асосан иш юритувига қабул қилинмасдан қайтарилди.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

44. Фуқаро нотурар жойни турар жойга ўтказиш учун туман давлат хизматлари марказига мурожаат қилди. Давлат хизматлари марказлари ходими нотурар жойни турарга ўтказиш мумкин эмаслигини, балки турар жойни нотурар ўтказиш мумкинлигини таъкидлади.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

45. Ўғирлик жиноятини содир этган С.нинг иши судда кўрилаётганида жиноят содир этилган вақтда судланувчи вояга етмаганлиги аниқланди. Суд ажрим чиқариб, вояга етмаган шахсга нисбатан ҳимоя ҳуқуқи таъминланмаганлиги учун ишни дастлабки терговга қайтаради. Вояга етмаганларнинг ишини юриштишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат

46. “Коммунал сервис” номли хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати жорий йилнинг 1 январидан бошлаб турар жой эгаларининг мажбурий бадал миқдорларини оширганлигини эълон қилди. Бунга асос сифатида ширкат бошқарувининг мажбурий бадалларни ошириш тўғрисидаги қарорини турар жой мулкдорларига тақдим қилди.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

47. Ширкат “А” исмли фуқаро манзилига 3 ой давомида тўланмаган мажбурий бадалларни тўлаш лозимлиги тўғрисида талабнома жўнатди.

“А” исмли фуқаро ширкат хатти-ҳаракатидан норози бўлиб ҳудуддаги адлия бошқармасига мурожаат қилиб, 3 ой давомида хизмат сафарида бўлганлигини, хонадонда ҳеч ким истиқомат қилмаганлигини таъкидлаб, асословчи ҳужжатларни тақдим этди.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

48. Фуқаро ўзбошимчалик билан қурилган иморатга мулк ҳуқуқини эътироф қилиш учун 1 013 650 (энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари) миқдорда бир марталик йўғимни тўлади. Туман ҳокимининг тегишли қарори қабул қилинганидан сўнг фуқаро кадастр идорасига мурожаат қилди. Кадастр идораси унга кадастр йўғмажиди учун тўлов амалга оширилиши лозимлигини таъкидлади. Фуқаро эътироз билдириб, энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида тўланган йўғимни қвитанциясини кўрсатди.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

49. Ҳудудий адлия бошқармасига вилоят ҳокимлиги томонидан тайёрланган ҳудудда ичимлик суви тарифига 20 сўм миқдорида устама қўшиш хусусидаги қарор лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тақдим қилинди.

Ҳудудий адлия бошқармаси томонидан ушбу қарор лойиҳаси қабул қилишда асос мавжуд эмаслиги ҳамда ҳокимликларнинг бу борада ваколати йўқлиги асос сифатида келтириб, розилик визаси қўйилмаган ҳолда қайтарилди.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

50. Кўп хонадонли уй-жойнинг биринчи қаватида истиқомат қилувчи фуқаро хонадон атрофидаги ер майдонини темир панжара билан ўраб олди. Мазкур ҳолат юзасидан норози бўлган фуқаролар туман (шаҳар) адлия бўлимига мурожаат қилишди.

Мазкур ҳолат юзасидан изоҳ беринг.

51. Турар жой мулкдорлари ширкат фаолияти қониқарсиз эканлиги сабабли тегишли мажбурий бадалларни тўлашдан бош тортишди.

Мазкур ҳолатнинг қонунийлиги юзасидан изоҳ беринг.